



1 – Мавзу . ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАРИХИ



Режа:



- «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари
- Фанни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти.
- Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўгрисидаги дастлабки қарашлар.

Адабиётлар рўйхати:

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 2011.
- 2. Каримов И.А. Асарлари ва тўплами. Т. Ўзбекистон. 1996-2016йй
- 3. Политология. С.Жўраев мухаррирлигига.-Т:, ТДЮИ. 2006.
- 5. Назаров Қ., Холбеков А., Умарова Н. Сиёсий бошқарув.Бошқарув социологияси, психологияси ва акмеология асослари -Т. Академия.2007.
- 6. Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқалар “Бошқарувнинг ижтимоий - сиёсий йўналишлари”-Т:, F. Ғулом, 2008.
- 4. Одилқориев Т., Раззоков Д. Сиёсатшунослик. Дарслик. – Т: Ўқитувчи, 2011.



Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий қадрият сифатида қарор топди

Ўзбекистонда ўзига хос ва мос бўлган демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш асосида демократик тараққиёт йўлида ривожланаётган бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатларини ҳамда умумий томонларини аниқлашга қаратилган. Эътироф этилмокда.



Демократия -

юнонча сўз бўлиб,
таржимада «халқ
ҳокимияти» (демос – халқ,
кротос - ҳокимият)
маъносини билдиради.

Демократиянинг вазифаси:
фуқароларнинг хуқуклари
тан олинадиган ва ҳимоя
қилинадиган, уларнинг
бурчларига риоя
этиладиган ва
бажариладиган жамиятни
қуриш

Фаннинг объекти:

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари



- Фаннинг предмети:
- мамлакатимизга хос ва мос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда эркин, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўллари ва қонуниятларини ўрганиш



Фаннинг вазифа:

– фуқароларда демократик жамият талабларига жавоб берадиган дунёқараш, фикрлар хилмак-хиллиги, эркинликни қадрлаш, инсон қадр-қиммати, шаъни ва орномусини ҳурмат қилиш билан боғлик қадриятларни шакллантириш

Демократиянинг муҳим жиҳатлари:

- демократик жамият давлатчилик соҳасида қадриятлар ва тамойиллари ҳисобга олинадиган, миллий – маданий мероси хусусиятларига таянилади, фуқароларнинг хуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.
- ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини хурмат қилинади
- хар бир шахснинг манфаатлари ва хуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар-у шу йўсиндаги харакатлардан ҳимоя қилиш , фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли эканлиги ҳам аён бўлади.



Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани билан боғлиқ тушунчалар

- «Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мостараккиёт йўли», «Демократик давлатчилик»,
- «Демократик жамият»,
- «Демократик жамият тўгрисидаги қарашлар»,
- «Демократик жамиятнинг миллий - маънавий негизлари»,
- «Демократик қадриятлар»,
- «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши»,
- «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт», «Ўзбекистон ва жаҳон хамжамияти»,
- «Миллий давлатчилик ва демократия» ва бошқалар.



Фан амал қиладиган қонуниятлар:

- Фани дунёда эътироф этилган умумий қонуниятларни ҳисобга олади;
- Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ хусусий, алоҳида қонуниятларига таянади («Ўзбекистон демократик жамият қурилишининг ўзига хос ва мос ривожланиши қонуни» ёки «Демократик жамият қурилишида миллий менталитет хусусиятларини ҳисобга олиш қонуни», «Демократик жамият қурилишининг миллий-маънавий қадриятлар билан боғлиқлик қонунлари», «Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятларининг Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, миллий-маданий мероси, иқтисод, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқадорлиги қонуни»)

Мустақиллик йилларида республикада демократик жамият қурилишини институтлашиб бораётганлигини, яъни:

- мамлакатда демократик институтларнинг шаклланиши;
- кўп партияйийликка ўтилиши;
- ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги;
- жамоатчилик назоратининг ошиб бориши демократик жамиятга хос жиҳатлар эканлиги алоҳида таъкидлаш лозим.



Жамиятда демократия қайдаражада эканлигини белгиловчи мезонлар :

- халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги:
- ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши.
- оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши билан боғлик.

Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўгрисидаги энг қадимги манба «Авесто»дир

- Агар «Авесто» да илгари сурилган гояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар – демократик жамият барпо этишга қаратилган гояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз.

Заратуштра (Зардўшт). Милод. ав 6-асрдан то милоднинг
3-асригача бўйган дуалистик дунёкараш марказида зардўштийлик
таълимоти ётади. Зардуштлик фақат дин бўлиб қолмай,
балки ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий,
ахлоқий-фалсафий қараплари ифодаси ҳамдир.

Зардўштийликнинг

назарий асоси «Авесто» адабий ёдгорлиги ҳисобланади.
«Авесто»да қадимги кишиларнинг табиат ва уни билиш
йўллари ҳакидаги тасаввурлари умумий тарзда ифода этилган.
«Авесто»да афсонавий тасаввурлар билан бирга кишиларнинг
ҳаётий тажрибалари ҳам ўз ифодасини топган. Китобда инсон
ва жамият, ижтимоий муносабатлар ҳақида
қизиқарли маълумотлар берилган. «Авесто»да инсон, меҳнат
дехқончилик қаби эзгу ишлар улуғланади.

Кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар халоскор гоя сифатида ҳам вужудга келган. Айни IX ва XII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун кураши, бунда ҳуррият ва инсон эркинлиги билан боғлиқ гоялар миллатни маънавий юксалишга чақиради.



Абу Наср Форобий (873-950)

“Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари ҳақида китоб” асарида

- «Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи - шу шаҳара аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан 12 хислат, фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур», дейди.




Абу Райҳон Беруний



- Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минерология”, “Хиндистон” асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган. “Минералогия” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган.

Ибн Сино

- Ибн Сино ўзининг бир нечта фалсафий рисолаларида инсонлар ўртасидаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий муносабатларни атрофлича ёритиб берган. Мутафаккирнинг “Соломон ва Ибсол”, “Юсуф қиссаси” каби асарлари бунга мисол бўла олади.



Захридин Мухаммад Бобур



“Бобурнома” асарида ўз даври ижтимоий ҳаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши ва ёмон томонларини, Андижондан –Хиндистонга қадар бўлган улкан ҳудудида яшаган халқларнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.